

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ «ЯШИЛ ЎСИШ ВА ГЛОБАЛ МАҚСАДЛАР УЧУН ҲАМКОРЛИК – 2030» ХАЛҚАРО САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан Сеул шаҳрида видеоанжуман шаклида ўтаётган «Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030» иккинчи халқаро саммити ишида иштирок этди.



Икки кунлик форум кун тартибидан иқлим ўзгариши оқибатларини енгиб ўтиш, “яшил тикланиш” ва углерод нейтраллигини таъминлаш, шунингдек, БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва Иқлим бўйича Париж битими қоидаларини бажариш масалалари ўрин олган.

Тадбирда дунёнинг етакчи мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари, юқори даражадаги вакиллари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этмоқда.

Хусусан, саммитда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, Европа Кенгаши Раиси Шарль Мишель ва Европа Комиссияси Раиси Урсула фон дер Ляйен, Германия Канцлери Ангела Меркель, Франция Президенти Эммануэль Макрон, Буюк Британия Бош вазيري Борис Жонсон, ХХР Давлат кенгаши Бош вазيري Ли Кэцян, АҚШ Президенти-

нинг иқлим масалалари бўйича махсус вакили Жон Керри, ХВФ бошқарувчи директори Кристалина Георгиева, Яшил ўсиш глобал институти раиси Пан Ги Мун ва ИХТТ бош котиби Анхель Гуррия катнашмоқда.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида “яшил тикланиш” соҳасида мамлакатимизда амалга оширилётган янгиланишларнинг муҳим йўналишларини қайд этди ҳамда бу борадаги халқаро ҳамкорликнинг истиқболлари юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилди.

Давлатимиз раҳбари “яшил” ва барқарор тараққиётга хизмат қиладиган самарали қарорлар қабул қилиш учун бутун халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Орол денгизи ҳалокатининг глобал оқибатларини

ни енгиб ўтиш бу борадаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Шу муносабат билан Президентимиз яқинда Ўзбекистон ташаббуси билан Оролбўйини “Экологик инновация ва технологиялар худуди”, деб эълон қилиш бўйича қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси тўлиқ қўллаб-қувватлангани учун барча халқаро ҳамкорларга миннатдорлик билдирди. Мазкур йўналишдаги ишларни, шу жумладан, махсус ташкил этилган БМТ Траст фонди, Яшил ўсиш глобал институти, “P4G” шериклик платформаси ва бошқа халқаро институтлар доирасида биригаликда фаол давом эттириш таклиф этилди.

Минтақамизда иқлим ўзгаришлари, буғланиш даражасини оширувчи газлар ва атмосфера ифлосланиши муаммолари таъсирида трансчегаравий дарёлар оқими ва биологик хилма-хиллик

қисқараётгани муносабати билан жиддий хавотир билдирилди.

Ўзбекистон Париж битими доирасида 2030 йилга қадар “парник газ”ларини атмосферага чиқаришни қисқартириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга содиқ экани таъкидланди.

Шу муносабат билан “яшил технология”ларни кенг жорий қилиш ва “яшил энергетика” соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш Ўзбекистонда яқин ўн йилда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 3 баробардан зиёда қўлайтириш имконини бериши қайд этилди.

Келгуси йили Ўзбекистонда “Ривожланаётган мамлакатлар учун яшил энергетика” мавзuida халқаро конференция ўтказиш, шунингдек, “яшил истеъмол” маданиятини шакллантириш мақсадида

“яшил иқтисодиёт”ни барпо этишга ёшларни жалб этиш бўйича махсус дастурни амалга ошириш ташаббуслари илгари сурилди.

Президентимиз ўшбу муҳим соҳада амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон “P4G” шериклигига қўшилиш ҳамда унинг тўлақонли иштирокчисига айланишга тайёр эканини билдирди.

Форум иши давом этмоқда. Унинг якунида “яшил тикланиш” ва барқарор тараққиёт соҳасидаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш бўйича энг муҳим вазифаларни ўзида акс эттирадиган Сеул декларацияси қабул қилинади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «ЯШИЛ ЎСИШ ВА ГЛОБАЛ МАҚСАДЛАР УЧУН ҲАМКОРЛИК – 2030» (P4G) ИККИНЧИ ХАЛҚАРО САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли саммит иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!
Авалло, ўшбу муҳим тадбирда иштирок этишга таклиф этгани учун Президент Мун Чжэ Ин Жаноби Олийларига ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман.

Кореялик шерикларимиз томонидан барқарор ривожланишнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш ва глобал миқёсда “яшил иқтисодиёт” масаласини кун тартибига қўйиш борасидаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларни олқишлаймиз ҳамда уларни юксак баҳолаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни, хусусан, Пан Ги Мун жанобларини Глобал яшил иқтисодий ўсиш институти ташкил этилганининг 10 йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

Хурматли форум катнашчилари!
Пандемия инсон саломатлиги ва атроф-муҳитнинг ҳолати, шунингдек, иқтисодий ва

ижтимоий тараққиёт бир-бири билан нақадар боғлиқ эканини яққол кўрсатди.

Бугунги кунда она табиатнинг ўзи бизга йўллаётган огоҳлик кўнгиронига бепарво бўлмаслигимиз керак.

Афсуски, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бормоқда. Биз яшаётган Марказий Осиёда сўнгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан бир даражага кўтарилди.

Минтақамиздаги асосий дарёларнинг ҳавзаси ва биологик хилмаҳилликнинг қисқариб бораётгани жиддий хавотир уйғотмоқда.

Бугунги даражасини оширадиган газлар ва атмосферанинг кенг миқёсда ифлосланиши муаммоларни янада чуқурлаштирмоқда.

Бугунги кунда “яшил тараққиёт” борасидаги мақсадларга эришиш учун мамлакатларнинг ҳаракатлари янада фаол ва са-

марали бўлиши кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти. Бошқа чорамиз ҳам йўқ. Биз Ўзбекистонда шу йўналишдаги муҳим ишларни бошладик.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг кенг камровли стратегиясини, шунингдек, Қайта тикланадиган ва водород энергетикасини ривожлантириш дастурини амалга оширмоқдамиз.

Париж битими доирасида биз 2030 йилга бориб ҳавога зарарли газлар чиқаришни 10 фоизга камайтириш мажбуриятини зиммамизга олдик.

Биз минтақада биринчи бўлиб Глобал яшил иқтисодий ўсиш институтига қўшилди ва ўшбу тузилманинг ваколатхонасини Ўзбекистонда очиб ниятдамиз.

“Яшил иқтисодий тикланиш” соҳасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, “яшил технология-

лар”ни кенг жорий этиш ҳисобидан Орол денгизи ҳалокатининг глобал оқибатларини бартараф этиш мумкин.

Ўшбу масала бўйича биз шерикларимиз билан, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида тузилган махсус Траст фонди ҳамда P4G платформаси доирасида фаол ҳамкорлиқни йўлга қўймоқчимиз.

Куни кеча Ўзбекистоннинг ташаббуси асосида Орол денгизи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида БМТнинг махсус резолюцияси қабул қилинишини қўллаб-қувватлаганингиз учун миннатдорлик билдираман.

Иккинчидан, “яшил энергетика”-ни ривожлантириш орқали углерод ёқилгисига боғлиқликдан қутулишга интилоқдамиз.

Биз қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича йирик лойиҳаларни амалга оширишни бошладик. Яқин ўн йил давомида қайта тикланадиган энергия манбалари улушини уч баробар қўлайтиришни мақсад қилганмиз.

Бундан ташқари, минтақамизнинг гидроэнергетика соҳасидаги улкан салоҳиятини ишга солишда қўшни давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилаёلمиз.

Келгуси йили Ўзбекистонда “Ривожланаётган мамлакатлар учун яшил энергетика” мавзусида халқаро конференция ўтказишга тайёремиз.

Учинчидан, “яшил иқтисодиёт”-ни барпо этишда ёшларни фаол жалб этиш бўйича Махсус дастурни амалга оширишга киришишни таклиф этамиз.

Бу келажақда “яшил”, яъни экологик

тоза маҳсулотларни истеъмол қилиш маданиятини шакллантиришга катта имконият яратилади.

Тўртинчидан, молия сектори ва инвесторларнинг “яшил технологиялар”га тобора ортиб бораётган ишончини рағбатлантириш ниятида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш тарафдоримиз.

Шу мақсадда Ўзбекистон P4G йўналишидаги шерикликка қўшилиш ва унинг тўлақонли иштирокчисига айланишга тайёр.

Сўзимнинг якунида бугунги саммит натижалари мазкур муҳим халқаро экологик платформа доирасида бизнинг амалий ҳамкорлигимизни кенгайтиришга хизмат қилади, деб ишонч билдираман.

Барчангизга муваффақиятлар тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «P4G» ХАЛҚАРО САММИТИДАГИ ИШТИРОКИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРГА БЕФАРҚ ЭМАСЛИГИНИ КўРСАТМОҚДА

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида онлайн шаклда бўлиб ўтаётган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик – 2030” (Partnering for Green Growth and the Global Goals 2030 – P4G) иккинчи халқаро саммитидаги нутқини мазкур мамлакат академик ва эксперт ҳамжамияти вакиллари катта қизиқиш билан тинглади.

■ «Халқ сўзи» учун махсус

Ии Гёнг О, Евроосиё туркшунослик институти директори:

— Бугунги кунда жаҳонда катта эътибор талаб этилаётган муаммолардан бири — бу, шубҳасиз, экологик таҳдидлар бўлиб, ўшбу муаммо ўзининг глобаллиги билан алоҳида ажралиб турибди.

Табийий воқеликлари англаган ҳолда, экологик муаммоларни фан-техника ютуқ-

қолаверса, жорий йил 18 май куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Оролбўйи минтақаси “Экологик инновация ва технологиялар худуди”, деб эълон қилинди ва бу тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик — 2030” (P4G) халқаро саммитида илк бора иштирок этгани ҳам Ўзбекистоннинг экологик муаммоларга бефарқ эмаслигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон раҳбари саммитдаги нутқида “Яшил иқтисодий тикланиш” соҳасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларига алоҳида тўхталиб, қатор долзарб тақлифларни илгари сурди.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2021 йил 29 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Мазкур ялпи мажлис иши Сенатнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда “UzReport” телеканали орқали тўғридан-тўғри жонли эфирда намойиш этилди.

Дастлаб сенаторлар “Транспорт тўғрисида”ги қонунни кўриб чикди.

Бугун мамлакатимиз транспорт тизимининг хар бир тармоғи ўз фаолиятига доир “Автомобиль транспорти тўғрисида”, “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунлар ва Ҳаво кодекси каби қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда.

Натижада транспорт тизимининг авто-

мобиль, темир йўл, авиация, сув транспорти тармоқлари бир-биридан алоҳида, ўз йўналишида ривожланиб, улар фаолиятини мувофиқлаштирувчи алоҳида қонун мавжуд эмас эди.

Кўриб чиқилаётган қонун эса соҳадаги бу каби камчиликларни бартараф этишда тармоқдаги қонун ҳужжатлари билан тенг юридик кучга эга бўлган, бир вақтнинг ўзида ишлайдиган, бир-бирини тўлдирадиган нормаларни белгиллади.

Ташкил шартномаси ва мажбуриятлари бўйича юзага келадиган жавобгарлиқни таъминлаш каби иқтисодий масалаларнинг ҳал этилиши орқали тижорат транспорти фаолиятини ривожлантириш ҳам қонуннинг асосий мақсадларидан биридир.

Ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, транспорт фаолияти субъектларининг тенглиги, давлат ва транспорт фаолияти субъектлари манфаатларининг уйғунлиги ва жавобгарлиги

каби тамойиллар ҳам қонун билан мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Умуман, қонун тижорат асосида амалга оширилаётган хар қандай транспорт фаолиятини юришда вужудга келадиган муносабатларга нисбатан таъбиқ этилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг “Фазовий маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун муҳома қилинди.

Глобаллашаётган дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳам геоахборот технологияларини ҳаётга кенг жорий этиш ва деярли барча соҳада геоахборий фаолият турига ўсиб бораётган эҳтиёжни таъминлаш учун сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларни янги шаклда ташкил этиш ҳамда Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини муваффақиятли яратиш ва ривожлантиришни институционал қўллаб-қувватлаш заруратга айланди.

➡ 2-3

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Шу мақсадда "Геодезия ва картография тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча равишда, қонунчилик жараёни ривожланишининг янги босқичи ва фазовий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги фаолият юртишда ҳуқуқий, иқтисодий, бошқарув ва ташкилий асосларини юридик мустаҳкамлаш мақсадида "Фазовий маълумотлар тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқилди.

Ушбу қонун тасдиқланиши билан фазовий маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш, фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида муносабатлар тартибга солинади.

Ушбу қонунда фазовий маълумотлар, фазовий маълумотларга ишлов бериш, фазовий маълумотларнинг метамеълумотлари, фазовий объектлар каби тушунчаларнинг мазмун-моҳияти акс этиши, улар ҳақидаги ахборот ижтимоий ҳаётимиз учун нақадар зарур ва долзарб эканлигини аңглатди.

Қонун қабул қилиниши оқоли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Қадастр агентлиги, Мудфоса вазирлиги ҳамада маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини яратиш, амал қилиш ва ривожлантириш соҳасидаги ваколатлари белгиллаб қўйилмоқда.

Геодезия ва картография соҳасига янги ахборот ва инновацион рақамли технологияларни кенг жорий этишга эътибор қаратишмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялли мажлис доирасида сенаторлар "Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини қўриб қиди.

Маъқур қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикасида заргарлик тармоғини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан белгиланган вазифаларни ўз ичига олган.

Қонун, аввало, маҳлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар муомаласи соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратишган.

Бу эса соҳада "хуфиёна иқтисодиёт"нинг олдини олишда ҳам муҳим омил бўлади. Қолаверса, ушбу ҳужжат заргарлик буюмлари асйлик даражасини белгиллаш ва тамғалаш тизимини, шунингдек, уларнинг сифатини назорат қилиш тартиб-таомилларини давлат-хусусий шериклик механизмини қўлланган ҳолда тақомиллаштиришга ҳам йўналтирилган.

Қонун қабул қилиниши қимматбаҳо металлар ва тошлар муомаласи соҳасидаги давлат органлари, бошқа иштирокчиларнинг ваколатлари ва жавабгарлик соҳасининг аниқ белгиланиши тармоққа инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, рақобат муҳитини яхшилаш учун қўлай шароит яратди.

Хусусан, қонунга биноан устав фондида давлат улуши бўлмаган ёки 50 фоиздан кам давлат улуши бўлган тадбиркорлик субъектларига қимматбаҳо металлар ва тошларни сарфлаш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартибини мустақил белгиллаш ҳуқуқи берилмоқда.

Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан асалган заргарлик ва бошқа буюмларнинг асйлик даражасини аниқлаш ва тамғалаш масалалари ҳам қонунда батафсил ўз ифодасини топган.

Қонунни ишлаб қишда Беларус, Хиндистон, Канада, Қозогистон, Молдова, Россия Федерацияси, Италия ва Туркия ҳамада Вена конвенциясини ратификация қилган 19 та давлатнинг илғор тажрибаси ўрганиб қилинган.

Шунингдек, қонун хусусий секторнинг қимматбаҳо металлар айланимасида ўз фаолиятини очик, шаффоф олиб боришга имконият яратди.

Сенатнинг саккизинчи ялли мажлисида қонунни қайта қидиш тўғрисида қарор қабул қилнган эди.

Сенат томонидан бидирлнрган таклиф ва эътирозлар манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан қўриб қидилиб, қонунда ўз аксини топланганини инобатга олган ҳолда, қонун ялли мажлисга киритилгани қайд этилди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялли мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуну муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонунни қабул қилиш зарурати қуйидаги омиллар билан асосланди.

Биринчидан, 2018 йилнинг январь ойида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки қарорлари билан тартибга солинган бўлиб, очик тарздаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар маънави эмас, иккинчидан, Президент давлат хавфсизлик хизмати маъсул ваколатли орган ҳисобланиб, қўриқланувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий, ташкилий, қўриқлаш, режим, тезкор-қидирув, муҳандислик-техник ва бошқа тадбирлар маъжумини амалга оширди.

Бунда Президент давлат хавфсизлик хизмати тезкор-хизмат фаолиятининг алоҳида хижатлари жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига тўғридан-тўғри таъсир этади.

Хусусан, Президент давлат хавфсизлик хизмати ўзига оқатилган вазифаларни бажариш жараёнида қўриқланувчи шахслар манфаатларини қўзлаб, қўриқлаш тадбирлари ўтказилаётган ҳойларда эркин ҳаракатланиши, қўриқланувчи шахсларнинг бўлиш объектлари атрофида ва ҳаракатланиш йўналишларида турли хил объектларнинг қўрилиши ва реконструкциясини, қўриқланувчи шахсларга ва улар бўлиш объектларида хизмат қўрсатишга бевосита жалб этилган ташкилотларнинг меҳнат фаолияти амалга оширилишини ва бошқа ҳаракатларини чеклайди;

учинчидан, Президент давлат хавфсизлик хизмати харбий хизматчилари ҳамада қўриқланувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган бошқа ҳуқуқни муҳофиза қилувчи орган ва куч ишлатувчи тузилмалар ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш чоғида ўқотар қуролни қўллашнинг аниқ тартиби белгиланмаган.

Шу муносабат билан қонунда қуйидаги масалаларни тартибга солиш қўзда тутилган. Хусусан:

— қўриқланувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қўлланиладиган умумэътироф этилган тушунчалар ва атамалар, уларнинг мазмунини шарҳлаш ва тўғри қўллаш мақсадида ушбу фаолият турининг принциплари;

— қўриқланиши белгиланган қўриқланувчи шахсларнинг тоифаси;

— Президент давлат хавфсизлик хизматининг мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қўриқланувчи шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари;

— Президент давлат хавфсизлик хизматининг шахсий таркибини бўғлаш тартиби, харбий хизматчиларининг мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

— Президент давлат хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан ҳақиқий харбий хизмат ўташининг алоҳида хижатлари, уларга харбий унвон бериш ва касбий тайёрларлигини ташкил этиш;

— Президент давлат хавфсизлик хизмати ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси қаролатлари;

— Президент давлат хавфсизлик хизмати ходимларини хизмат бўғломалари, жетонлар ва харбий қийим-кечак билан таъминлаш масалалари;

— Президент давлат хавфсизлик хиз-

рилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун маъқулланган эди, бу халқаро ва миллий экспертларнинг тавсияларига қўра қабул қилиниб, халқаро ҳамжамят томонидан ҳам ижобий баҳоланган эди.

Амалдаги сйллов тўғрисидаги қонунчиликнинг таҳлиллари сйлловчилар билан учрашувлар ўтказиш ҳамада сйллов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар бериш борасида айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

ЕХТ сйлловлари бўйича миссияси томонидан эса сйлловчилар билан учрашувларни ўтказиш учун алоҳида рўхсатнома талаб этилмаслигини ва номзодлар уларнинг ўтказиш жойи ҳамада вақти ҳақида тегишли ҳокимликларни 3 кун олдин ёзма равишда хабардор қилиши лозимлигини белгиллаш тавсия этилган.

ЕХТ сйлловлари бўйича миссияси сйллов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларни фақат суд қўриб қидишини белгиллаш тавсия қилган.

Муҳокама қилинган қонун билан сйллов жараёнига нисбатан ягона шаффоф ва самарали ёндашувларни назарда тутган ҳолда, у билан миллий экспертлар

ларга мувофиқ, тўғридан-тўғри фуқаролик олишининг ҳуқуқий асослари яратилади ва ўн беш йил доимий яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини умумий тартибда қабул қилиш учун илтимоснома билан мурожаат қилиш зарурияти қолмайди.

Натижада юридик фактни суд тартибида тасдиқлаш оқоли, фуқаролик масалалари бўйича шикоят қилувчи шахсларнинг эътирозлари қамаяди;

Фуқаросизлиқни қисқартиришни аниқ амалга ошириш асосида Ўзбекистон Республикасининг халқаро иммижа янада мустаҳкамланади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар кун тартибидаги яна бир муҳим "Қурол тўғрисидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ва қонун лойиҳаси ташаббускорлари томонидан Ўзбекистон Республикасида қурол ва унинг ўқ-дорилари муомаласи билан боглиқ муносабатларни тартибга солувчи "Қурол тўғрисида"ги Қонуннинг амал-



даги ижроси, унинг нормаларини қўллашда вужудга келган муаммолар таҳлил қилинмаган.

Жумладан, ҳойларда ўтказилган ўрганишларда мамлакатимизда "Қурол тўғрисида"ги Қонуннинг ижроси ва ўқотар қуролнинг муомаласи билан боглиқ қатор тизимли муаммолар аниқланди.

Хусусан, ҳозирги кунга қадар қуролга эгалик қилишга тўқсинлик қилувчи касалликлар рўйхати тасдиқланмаган.

Ўқотар ов қуролига эгалик қилиш учун фуқарога нисбатан тиббий чекловлар мавжуд бўлса-да, унинг спиртли ичимликларга ружу қўйилгани, гиевхандликча мубтало бўлганлига тегишли рўхсатнома олиш учун тўқсинлик қилибди.

Шунингдек, қурол эгаларини тиббий чекловлар бўйича даврий равишда текшириш, улар билан бирга яшовчи фуқаролар орасида ружуи касалликча қалинган, спиртли ичимликча ружу қўйган, гиевхандликча мубтало бўлганлига эътибор қаратиш механизми яна мавжуд эмас.

Шу билан бирга, ўқотар ов қуроллари ҳамада пневматик ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш қуроллари билан кириш тақиқланган объектлар учун умуммажбурий тартиб ўрнатилмаган.

Ушбу ҳолатлар, ўз навбатида, турли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Бунга мисол қилиб, сўнгги йилларда дунё мамлакатларида қурол ва унинг қуроллари муомаласи билан боглиқ рўй бераётган салбий ҳолатлар, шу жумладан, яқинда Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида мактабда содир этилган аянчи ҳолатни келтириш мумкин.

Ўқоридагиларни инобатга олиб, сенаторлар қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ҳамада қонун лойиҳаси ташаббускорлари томонидан соҳада вужудга келган муаммоларни комплекс таҳлил қилиб, сўнгра амалдаги "Қурол тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонунчилик нормаларини туддан тақомиллаштириш масаласини ўрганиб чиқиш ва шундан сўнггина Жиноят кодекси, Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодексда жавабгарлик қарорларини белгиллаш бўйича мувофиқ деб ҳисоблади.

Сенаторлар томонидан қонунда тартибга солинадиган жамоатчилик муносабатларининг муҳимлиги ва аҳамияти эътиборга олиниб, "Қурол тўғрисидаги қонунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўн сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини туддан ислох этишда, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг қамровли ҳуқуқий-ташқилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, амалга оширилаётган ислохларнинг ҳуқуқий хижатдан таъминланиши тақомиллаштириш борасида қатор чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Бирок қонун ва қонунести ҳужжатларини янада тартибга солиш доираларини белгиллаш, уларда жисмоний ва юридик шахслар учун жавабгарлигини, шунингдек, ҳўжалик бошқаруви органларининг ваколатларига кирувчи масалаларни ҳамада қоротив муносабатларни тартибга солиш назарда тутадиган ҳуқуқий нормаларни аниқ белгиллаш тазоэо этимоқда.

Қонун 14 та моддадан иборат. Унга мувофиқ 7 та кодекс ҳамада 5 та қонунга, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Бюджет, Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларига, шунингдек, "Нотариат тўғрисида"ги, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавабгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Хисоб палатаси тўғрисида"ги ҳамада "Давлат божи тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, қучли таъсир қилувчи моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилганлик учун жиноий жавабгарлик

чоралари қучайтирилмоқда ҳамада маъқур жиноятларни маллақалашда ва ҳуқуқни қўллашда ягона амалиёт шаклланиши таъминланмоқда.

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганлик учун жиноий жавабгарлик белгиланиб, маъмурий жавабгарлик чоралари қучайтирилмоқда.

Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавабгарлик қучайтирилиб Маъмурий жавабгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасида назарда тутилган санкция янги тахрирда қабул қилинмоқда ҳамада маъқур модда иккинчи қисм билан тўлдирилмоқда.

Ўсимлик дунёси объектларини йғиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузганлик учун, шунингдек, Оэон қатламига зарарли таъсир қўрсатишининг олдини олишга доир талабларни бузганлик учун маъмурий жавабгарлик белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат қўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси сифатида қайд этилмоқда.

Шунингдек, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавабгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида"ги Қонунга "йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома" тушунчаси, йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома тузиш учун асослар, транспорт воситалари эгалари ва сўғурталовчиларнинг йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисидаги хабарнома тузиш чоғидаги ҳаракатлари билан боглиқ нормалар киритилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг Хисоб палатаси тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддаси янги тахрирда қабул қилиниб, Хисоб палатасининг Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси экспертизасини ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия таҳлилини ўтказиш соҳасидаги вазифалари белгиланмоқда.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши аҳоли саломатлигини асраш, шунингдек, қучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйишга, бу турдаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жавабгарлиқнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялли мажлис давомида парламент аъзолари ХМТнинг Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига қўмақлашиш асослари тўғрисидаги 187-сонли конвенциясини қўриб қиди ва маъқуллади.

Ушбу конвенция 2006 йил 31 май куну ХМТ бош конференциясининг 95-сессиясида қабул қилинганлиги таъкидланди. Конвенциянинг асосий мақсади — ишлаб қиқаришда жароҳат олиш, касб касалликчарига қалиниш ва инсон ўлимининг олдини олиш учун меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини доимий тақомиллаштиришга қўмақлашиш боричорид.

Таъкидланганидек, ХМТ конвенцияси устувор конвенциялардан бири ҳисобланади. Конвенцияга мувофиқ миллий қонунчиликда иш бевувилик ва ишчиларнинг энг нуфузли ташкилотлари билан қелишган ҳолда миллий сиебат, миллий тизим ва миллий дастурни ишлаб қиқиш оқоли касб касаллигига қалиниш, ишлаб қиқаришда жароҳат олиш ва инсон ўлимининг олдини олиш мақсадида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини доимий тақомиллаштиришга қўмақлашиш назарда тутилмоқда.

Муҳокама доирасида сенаторлар Ўзбекистонда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларига риоя этиш ҳолати, ушбу йўналишдаги асосий муаммолу хижатлар тўғрисида ўз фикрларини билдирди. Шунингдек, ХМТнинг 187-сонли конвенцияси 49 та давлат, шу жумладан, бир қатор МДХ давлатлари томонидан ратификация қилинганлиги қайд этилди.

Бунда мажлис доирасида конвенциянинг асарият нормалари ва қоидалари миллий қонунчиликча татбиқ этилганлиги алоҳида таъкидланди.

Сенаторларнинг фикрича, ХМТнинг 187-сонли конвенцияси ратификация қилиниши меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси соҳасидаги халқаро стандартларни самарали татбиқ этишга қўмақлашишини, ишчилар учун қўшимча қафолатлар яратиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг меҳнатқашлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича асосий халқаро принциплар ва стандартларга содиқлигини кўрсатади.

Шундан сўнг сенаторлар Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қўриб қиди ва маъқуллади.

Сенаторлар ушбу конвенциянинг ратификация қилиниши Ўзбекистонда ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун қўшимча қафолатлар яратиш имконини беришини, қонунчиликни янада тақомиллаштириш учун дастур бўлиб хизмат қилишини, ногиронлиги борларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва улар учун тенг имкониятларни таъминлаш нуктаи назаридан давлат органларининг жавабгарлигини қучайтиришни таъкидлади.

Конвенция қабул қилиниши.

Биринчидан, ногиронлиги борларни ижтимоий ҳимоя қилиш миллий тизимини илғор халқаро стандартларга мувофиқлаштириш;

иккинчидан, ногиронлиги борларнинг ижтимоий ҳимосини қучайтириш учун халқаро ва хорижий грант маблағларини жалб қилиш имкониятларини яратиш;

учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Ўзбекистоннинг халқаро иммижни яхшилаш имконини беради. Конвенция ногиронлиги борларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, уларга нисбатан қамситишга барҳам бериш, уларнинг меҳнат қилиш, ўз соғлигини асраш, таълим олиш ва жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш, одил судловга эришиш, шахсий даҳисизлиги, эксплуатация қилинишдан ва суиестеймолликдан ҳимояланишини, эркин ҳаракатланишини, шахсий мобилилигини таъминлашга қаратилган 50 та моддадан иборат.

Сенаторлар конвенцияни ратификация қилиш тўғрисида қабул қилнган қонун жамиятда ногиронликча ижтимоий-ҳуқуқий ёндашушни мустаҳкамлашга хизмат қилиш қарақлигини таъкидлади.

Бўлиб ўтган муҳокамалар давомида сенаторлар Ўзбекистон ушбу конвенцияни ратификация қилиб, ногиронлиги борлар учун тегишли инфратузилмани тақомиллаштириш (тураржой ва жамоат биноларини, транспортни, бир қатор хизматларни мослаштириш), шунингдек, аҳоли ўрта-сида ағглиш фикрлар ва стереотипларни йўқ қилишни назарда тутадиган ахлоқий-маънавий йўл-йўриқларни шакллантириш

бўйича халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олишини таъкидлади.

Шундай қилиб, маъқур конвенциянинг қабул қилиниши Ўзбекистон раҳбариятининг фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, шунингдек, тенг иштирок этиш ва ресурслардан фойдаланиш, фуқароларнинг сиесий ва фуқаролик ҳуқуқларини қамситишларсиз амалга ошириш таомийларига риоя қилишга қатъий содиқлигини ва бу борада мунтазам сый-ҳаракат олиб бораётганлигини кўрсатади.

Ушбу ҳужжат сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялли мажлис давомида Сурхондарё вилоятининг Денов тумани Кенгаши қарорининг қонунлилиги тўғрисидаги масала қўриб қидилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлисининг Сенатига келиб тушган мурожаатлар асосида халқ депутатлари Денов тумани Кенгашининг 2020 йил 19 ноярдаги "Туманда шартнома мажбуриятларини бажармаётган, ер ижара шартномасига қисман ўзгартириш қиритилаётган, янгидан ташкил қилинаётган ва қўшимча ер майдони олаётган фермер ҳўжаликларининг фаолиятини қўриб қиқиш тўғрисида"ги 123/25-06-сонли қарорининг қонунлилиги Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан ўрганиб қидилди.

Қарор билан тумандаги "ДЕНОВ AGRO-PILLA" МЧЖнинг Хазорбоғ, Охунбобоев, Галаба, Ўзбекистон ҳудудларидаги 114,23 гектар ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган.

Хусусан, қарорнинг 2-бандида тумандаги 9 та пахта ва галлалчилик фермер ҳўжалиги билан туман ҳокимлиги ўртасида тузилган узок муддатли ер ижара шартномаси бекор қилиниши, 5-бандида қатор фермер ҳўжаликлари билан тузилган ер ижараси шартномаларига ўзгартириш қиритилаётган фермер ҳўжаликлари сони тасдиқланиши назарда тутилган.

Аммо амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фермер ҳўжаликлари, қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари ҳамада ҳокимлик ўртасидаги шартномавий ҳуқуқий муносабатларга аралашиш ваколати мавжуд эмас.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 382-моддасига мувофиқ агар Фуқаролик кодексида, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, шартнома тарафларининг қелишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◀1-2

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан юриштиладиган Ягона миллий меҳнат тизимида корхона ва ташкилотларда кадрларга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ жами 116 мингдан ортиқ бўш иш ўринлари (Тошкент шаҳрида — 23 417, Тошкент вилоятида — 21 449, Андижон вилоятида — 10 634, Фарғона вилоятида — 9 460, Самарқанд вилоятида — 8 644, Бухоро вилоятида — 8 524) қайд этилган. Бироқ мазкур тизимдан ёшлар етарли даражада хабардор эмас. Қолаверса, мавжуд бўш иш ўринларида таклиф қиланаётган маош катта маблағ сарфлаб шартнома асосида таълим олган битирувчиларни қаноатлантирмайди. Жумладан, айни пайтда олий маълумот талаб этадиган 19 177 та бўш иш ўрни учун 1 млн. сўмгача, 26 754 та бўш иш ўрни учун 2 млн. сўмгача маош таклиф этилгяпти.

2020 йилда республикада жами банд бўлганларнинг 82 фоизи ёки 11,1 млн. нафар аҳоли хусусий секторда меҳнат фаолиятини олиб бормоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари ва олий таълим муассасалари ўртасида мақсадли кадрлар тайёрлаш, кадрларга бюртма бериш тизимида бевосита тўғридан-тўғри ҳамкорлигини янада кенгайтириш зарурлигини аңглатади.

Республикадамада давлат грантлари асосида тахсил олаётган битирувчиларни ишга тақсимлаш ОТМни таомиллашдан бир ой аввал комиссия томонидан амалга оширилмади. Лекин тўлов-контракт асосида таълим олаётганларини иш билан таъминлаш масаласи билан шугулланиш бўйича аниқ мақсадли чоралар белгиланмаган.

ОТМда давлат гранти асосида тахсил олган битирувчилар диллом олиши учун келгусида фаолият олиб борадиган иш жойидан у томонлама (талаба, ОТМ, ишга қабул қилувчи) шартнома олиш келиши талаб этилаётган бўлиб, мазкур жараён кўп ҳолларда сохта маълумотлар ортиштигагича хизмат қилапти.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти учун зарур қонун ва ҳуқуқий кафолатларнинг ҳаётта тўлиқ таъбиқ этилмаганлиги, бюрократизм, маҳаллий раҳбарларнинг қаршилиги, коррупция, таниш-билишлик, ижтимоий адолат тамойилларини бузилиши, дастлабки маблагнинг йўқлиги, имтиёзли кредит маблағларининг ўз вақтида берилмаётгани, бозор ва бизнес ҳақидаги маълумотларнинг камлиги, тадбиркорлик кўмас мулки объектларини бузиш ҳолатлари мавжудлиги каби масалалар ёшлар тадбиркорлигига тўсиқ бўлаётганлиги айтиб ўтилди.

Сенаторлар битирувчилар бандлигини таъминлаш масаласида илгор хорижий давлатлардаги ижобий тажрибаларни ҳам ўрганиш зарурлигини таъкидлади. Хусусан, АКШ университетларидаги “Рекрутинг марказлари”, Япониядаги “умрбод бандлик тизими”, Финляндиянинг ҳар бир олий таълим муассасаси таркибидаги махсус бандлик хизмати, Қозоғистондаги “Диплом билан қилшоқа” каби дастурларни ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Юқоридегиларни инобатга олиб, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласида ҳукуматга Парламент сўрови юбориш юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг Коронавирус пандемиясидан кейин туризмини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масала қўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қ а р о р и

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 80-моддасининг 3-бандига ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Рахматилла Салайдинович **Орзикулов** ҳамда Шухрат Эсанбаевич **Ражабов** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.
- Ушбу қарор қабул қилинган кўндан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Т. НАРБАЕВА

Тошкент шаҳри,

2021 йил 29 май

ЮРТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИДА КАТТА ЎРИН ТУТАДИГАН МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг жорий йил 28-29 май кунлари бўлиб ўтган ўн бешинчи ялпи мажлисида бир қатор қонун ҳужжатлари, мутасаддиларнинг ахборотларини эшитиш ва тегишли идораларга парламент сўрови юбориш сингари долзарб масалалар кўриб чиқилди. Уларнинг ҳар бири юртимизнинг тараққиётида катта ўрин тутиши билан алоҳида аҳамиятга молик. Шу боис улар сенаторларнинг қизгин баҳс-мунозарасига сабаб бўлди. Мухбиримиз улардан айримларининг фикрларини ёзиб олди.

Сўз — сенаторларга

Конвенцияни ратификация қилиш бизга нима беради?

Анвар ТҲҲИЧЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро меҳнат ҳавфсизлигини меҳнат ҳавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашиш асослари тўғрисида 187-сонли конвенциясини (Женева, 2006 йил 15 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун кўрилди.

Ушбу конвенциянинг ратификация қилиниши бизга нима беради?

Аввало, миллий қонунчилигин янада такомиллаштиришга ҳамда меҳнат ҳавфсизлиги ва гигиенаси борасидаги халқаро стандартларни изчил жорий этишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, бу борада миллий дастур ишлаб чиқилиши ҳамда шу орқали ҳавфсиз ва соғлом меҳнат муҳитини босқичма-босқич яратиш бўйича зарур чоралар қўришга замин яратилади.

Қолаверса, халқаро меҳнат стандартларини меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини шакллантиришга олиб келади.

Бўлиб ўтган муҳокамаларда сенаторлар сўнгиги йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг стратегик соҳасига айланган туризм йўналиши пандемия пайтида энг кўп зарар кўрганлигини таъкидлади. Хусусан, глобал коронавирус пандемиясидан олдин мазкур соҳа ўз тараққиётида энг юқори кўрсаткичларга эришган эди. Жумладан, агар 2019 йил охирида мамлакатга 6,7 млн. чет эллик сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич атиги 1,5 млн. сайёҳни ташкил этди. Бундан ташқари, кўрилган зарарлар натижасида тадбиркорларнинг катта қисми ўз фаолиятини тўхтатиб туришга мажбур бўлди.

Туризм соҳасининг жадал тикланишини, чет эллик сайёҳлар маҳаллий туристлар билан алмаштирилишини таъминлаш мақсадида мамлакат Президентининг иккита Фармони ва битта қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг учта қарори қабул қилинди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида давлат томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича қатор устувор чоралар кўрилди. Хусусан, туризм соҳасида ўз фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари учун жами 50 дан ортиқ турли хил имтиёз ва преференциялар белгиланди.

Шунингдек, мамлакатнинг бир қатор аэропортларида “очиқ осмон” режимиини ўрнатиш, фуқаролари Ўзбекистонга визасиз ташриф буюриши мумкин бўлган мамлакатлар рўйхатини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар кўрилди, сайёҳлар учун “Uzbekistan/ Safe travel GUARANTEED” хизмати, илк бор “Fast Track” санитария-эпидемиология ҳавфсизлиқ тизими жорий этилди. Ўзбекистон шахарлари ўртасида янги авиарейслар ва темир йўл алоқа йўналишларини очиб бўйича чоралар кўрилди, базэи миллий байрамларни нишонлаш пайтида камида уч кўндан иборат дам олиш кўнари белгиланади.

Шу билан бирга, сенаторлар таъкидлашча, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ҳолатини таҳлил қилиш, Сенатга юридик ва жисмоний шахслардан тушган муножаатларни ўрганиш, экспертлар ва тадбиркорлик субъектларининг фикрларини ўрганиш мамлакатда туризм соҳасини тиклаш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини пасайтирадиган қатор муаммолар ва камчиликлар борлигини кўрсатди.

Жумладан, давлат раҳбари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг қондалари охиригача ижро этилмаган, туристлар ҳавфсизлигини таъминлаш тизимини жорий этиш жараёни лозим даражада амалга оширилмаган, авиа ва темир йўл орқали ташиш нархлари баянд.

Муҳокама чоғида бозорда рақобат қучиб бораётган шароитда туризм соҳасини тиклаш масалалари туристтик хизматлари кенгайтиришга талаб қилиши ҳам таъкидланди. Ҳозирги вақтда халқаро бозорларда таклиф қилинаётган туризм тузилари сўст диверсификация қилинган. Туризмнинг қатор йўналишлари, масалан, Ёхшўх туризм, онлайн-туризм, ов туризми йўналиши салохияти тўлиқ ишга солинмаган ва умуман ривожлантирилмаган, тиббиёт туризминини тарғиб қилиш соҳасида жиддий силжиш йўқ. “All inclusive” каби оммабоп сайёҳлик хизматлари шаклларидадан фойдаланилмайди.

Бундан ташқари, туризм соҳасида кадрлар билан ишлаш сифатини ошириш муҳимлиги таъкидланди. 2019/2020 ўқув йилида соҳада юқори малакали кадрларнинг кескин етишмаслиги кузатилганига қарамай, туризм йўналишидаги олий ўқув юртларини тутатган бакалаврият битирувчиларининг 37 фоизи иш билан таъминланмаган.

Шунингдек, бизнес учрашувлар, реклама ва пресс-турлар каби машҳур шакл ва усуллардан фойдаланишда юзага келган чекловлар тўғайли туризмининг маркетинг орқали тарғиб қилиш стратегиясини тўбдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Юқоридегилардан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровини юбориш тўғрисида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлис давомида Вазирлар Маҳкамасига мамлакатимиздаги автомобиль йўллари ва сўний иншоотларнинг ҳолати ҳамда транспорт воситаларининг ҳавфсиз ҳаракатланишини таъминлашга доир қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан парламент сўрови юбориш масаласи кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг жорий йил 12 март куни ўтказилган ўн учинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан қўллаб ҳудудларда автомобиль йўлларини қўнгунга аҳоли ачинарли эканлиги, йўлнинг асфальт қопламаси ёгингарчилик ҳолатидан сўнг қонқарсиз ҳолатга келиб қолаётганини қайд этилган эди.

Шу муносабат билан Сенатнинг Мудоаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан мамлакатимиздаги автомобиль йўллари ва сўний иншоотларнинг ҳолати ҳамда транспорт воситаларининг ҳавфсиз ҳаракатланишини таъминлашга доир қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши ўрганиб чиқилди.

Қайд этиш лозимки, мамлакатимиз таррақиётининг анги босқичида йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш, йўл ҳаракати қулайлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш, соҳани тўбдан ислоҳ қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бўлаёқ ўтказган таҳлиллар ушбу соҳада қатор тизимли муаммо ҳамда камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан: биринчидан, 2021 йил 1 январь ҳолатига республикадаги жами 184,8 минг км. автомобиль йўллари (жумладан, 42,9 минг км. умумий фойдаланишдаги, 132 минг км. ички ҳўжалликлараро, 24,8 минг км. идоравий автомобиль йўллари ва 9,9 минг км. шаҳар қўчалари)нинг 77,9 минг км. қисми ёки 42,2 фоизи таъмирталма ҳолатда.

Айрим автомобиль йўлларини қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари йилдан-йилга ўтиб, қўзилиб кетмоқда ва яқунига етказилмаган.

Оқибатда аксарият ҳолларда йўл қопламасининг юқори қатлами ётқизилмаёпти ҳаьмда тегишли йўллар фойдаланишга топширилмапти. Бу эса мазкур йўлларда саклаш ишларини олиб боришга имкон бермаёпти.

Жумладан, белгиланган меъёларга зид равишда йўл қопламасига майда донали зич асфальт-бетон қопламасини ётқизмасдан, йирик донали говак асфальт-бетонли қуйи қатлам билан қолдирилмоқда.

Бундай йўлларда транспорт воситаларининг мунтазам ҳаракатланишии оқибатида йўл қопламалари жуда тез бўзилади. Шунингдек, ёгингарчилик ва об-ҳаво билан боғлиқ бошқа омиллар ҳам сифатсиз йўлларнинг қисқа муддатларда яроқсиз ҳолга келишига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ажратилган маблағларнинг мақсадсиз сарфланишини келтириб чиқараётган бундай сабаблар фуқароларнинг автомобиль йўлларининг бугунги ҳолатидан норозилигини ҳам қучайтирмоқда.

Энг ачинарлиси, автомобиль йўлларининг таъмирлаш ишлари олиб борилаётган ёки охирига етказилмасдан қолиб кетган ҳамда таъмирланиши лозим бўлган жойларда фуқаролар жароҳати ва ўлими билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлмоқда.

Хусусан, 2019-2020 йиллар давомида юз берган 556 та ана шундай йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида 240 киши вафот этган, 481 киши жароҳат олган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл ҳўжаллиги тизимини қўқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини, минтақавий автомобиль йўлларини, кўприкларни, йўлўтказгичларни ва бошқа сўний иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни лоийхалаштириш бўйича ишлар фақатгина Автомобиль йўллари қўмитаси тасарруфидаги корхоналар томонидан бажарилиши билан боғлиқ тартиб бекор қилинган.

Бироқ бугунги кўнда ҳам ушбу ишларнинг аксарияти Автомобиль йўллари қўмитаси тасарруфидаги корхоналар томонидан бажарилмоқда.

Автомобиль йўли қурилиши соҳасига оид барча функцияларнинг битта ташкилотда жамланиши эса автомобиль йўлларининг сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мисол учун, Амирсой тоғ курортига олиб борувчи автомобиль йўлини қуриш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳўжатлари Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан ўрганиб чиқилиб, камчиликлар мавжудлиги сабабли меъёрий ҳўжатлар талабларига тўлиқ мослашил қайтадан экспертизадан ўтказиш лозимлиги тўғрисида ҳулоса берилган.

Шундан сўнг яна икки маротаба Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан Тошкент вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошкармасига Амирсой тоғ курортига олиб борувчи автомобиль йўлини қуриш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳўжатларини қайта экспертизадан ўтказмасдан туриб, қурилиш ишларини олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисида хатлар юборилган бўлишига қарамасдан, “Тошкент вилояти минтақавий йўлларга бюртмақчи хизмати” давлат унитар корхонаси томонидан йўл қурилиши давом этирилиб, яқунига етказилган.

Оқибатда жорий йил март ойида айнан мазкур йўлда кўчи содир бўлиб, автомобиль йўлига жиддий зарар етказилган.

Учинчидан, Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги корхона ва ташкилотлар балансидаги 161 та асфальт-бетон ишлаб чиқариш цехининг 107 таси ўтган асриннг 90-йилларигача ишга туширилган ва бугунги кўнда уларнинг 55 таси нсоз ҳолатда, 9 таси эса мутлақо яроқсиз. Мавжуд асфальт-бетон ишлаб чиқариш цехларининг бугунги кўндаги қуввати бор-йўғи 66 фоизни ташкил қилмоқда.

Бундан ташқари, қайд этилган цехларнинг фақатгина 25 тасида синов лабора­ториялари мавжуд, бор-йўғи биттаси давлат раҳбари томонидан қабул қилинган қарор талаблари асосида аккредитация қилинган, ҳолос.

Асфальт-бетон махсулотларининг ва пироваддида йўл-қурилиш ишларининг сифатсизлиги мазкур омилларга ҳам бевосита боғлиқ.

Тўртинчидан, республика автомобиль йўлларида ўтказилган хатлов натижаларига кўра, бугунги кўнда 15 мингга яқин кўприклар мавжуд бўлиб, шундан 40 фоиз кўприк ва йўлўтказгичларнинг эксплуатация ҳолати яроқсиз, қонқарсиз ва таъмирталма ҳолатга келиб қолган.

Бундан ташқари, автомобиль йўлларида жойлашган ва эгаси аниқланмаган кўприкларни сакловчиларга топшириш ишлари амалга оширилиши ўрганилганида 3477 дона кўприк ўз эгаларига берилмагани аниқланди.

Ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва яроқсиз ҳолга келган кўприклар эса фуқароларнинг ҳавфсиз ҳаракатланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Сенаторлар томонидан мазкур масалани бугунги кўндаги аҳамиятлiligини эътиборга олиниб, Сенат қарори лойиҳаси бир овоздан маъқулланди.

Шундан сўнг Давлат хизматлари кўрсатилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Таъкидланишича, қўмита аъзолари томонидан Давлат хизматлари кўрсатилиши ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови бўйича тақдим этилган жавобни ҳудудлар кесимида (Андижон, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятлари) ўрганиб қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бу борада қатор ишлар амалга оширилганлигини қайд этди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Сенат қарори ижросини таъминлаш бўйича 15 та банддан иборат чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, ижрога қаратилган.

Шу билан бирга, сенаторлар томонидан парламент сўровида кўтарилган айрим масалалар юзасидан қўшимча чоралар қўриш лозимлиги таъкидланди.

Жумладан, парламент сўровида кўрсатилган Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан давлат хизматлари марказлари орқали дори воситаси ва тиббий буюмларнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш ҳамда махсус қўлла­ниладиган биологик актив моддаларни четдан келтириш ва ишлаб чиқаришга рухсатнома бериш хизмати жорий этилган.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги то-

монидан таълим тўғрисидаги ҳўжатнинг дубликатини бериш бўйича хизмат жорий этилган.

Идораларо электрон маълумотлар алмашуви (интеграция) йўлга қўйилмаганлиги оқибатида васийлик ва ҳўмийлик органлари томонидан етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг қўнғуний манфаатларини таъминлашда судланганлик ҳамда номида тураржой мавжуд ва йўқлиги ҳақидаги маълумотлар фуқаролардан ҳамон талаб қилиниб келинмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда қўлланиладиган электрон маълумотлар базаларини шакллантириш, давлат органлари томонидан ахборот тизимларини яратиш ва улардаги маълумотлар тўпламаларини рақамлаштириш масалалари очик қолган.

Муҳокамада сенаторлар томонидан:

— электрон идентификация тизими ҳамда электрон рақамли имзо билан ишлаш тизимини такомиллаштириб, амалиётга тўлиқ жорий этишни йўлга қўйиш;

— давлат хизматлари порталининг мобиль иловасини ривожлантириб, жисмоний ва юридик шахсларга қулай ва тез давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

— идоралараро интеграция даражасини ошириш, архив ҳўжатларини тўлиқ рақамлаштириб, ахборот технологиялари тизимини янада ривожлантириш ҳамда маҳаллий Кенгашларда ахборотларни беришни йўлга қўйиш каби тавсиялар билдирилди.

Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенаторлар 2020 йил Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва ногиронлиқни аниқлаш масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини муҳокама қилди.

Мазкур парламент сўрови натижалари 2020 йил 21 октябрда Сенат ялпи мажлисида муҳокама қилиниб, Ҳукумат томонидан айрим масалаларга аниқ жавоб берилмаганлиги қайд этилган эди.

Хусусан, тиббий-меҳнат экспертиза сизмати фаолиятини комплекс тартибга соладиган ягона норматив-ҳуқуқий ҳўжат мавжуд эмаслиги, фуқароларнинг тиббий меҳнат эксперт комиссияларида тиббий кўрикдан ўтиш тартибининг мураккаблиги, ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган беморларни қўшимча тиббий текширувдан ўтказмасдан туриб ногиронлик белгилаш тизими йўлга қўйилмаганлиги танқид қилинган ҳамда Сенат қарори билан қўшимча мўддат ва топшириқлар берилган эди.

Муҳокамада Ҳукумат томонидан мазкур масала батафсил ўрганиб чиқилганлиги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қўнғун ижросини таъминлаш, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя ва тиббий-ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оширишда янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 мартдаги “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернет уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-6195-сонли Фармони қабул қилинганлиги қайд этилди.

Шунингдек, тиббий-ижтимоий реабилитация хизмати сифатини ошириш, тизим ҳодимларининг малака ва касб маҳоратини қучайтиришни назарда тутувчи давлат томонидан кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган.

Сенаторлар томонидан “Йўл харитаси”да ногиронлиқни белгилашда шахсини тиббий-меҳнат” экспертизадан ўтказиш тизимидан воз кечилиб, “тиббий-ижтимоий” экспертизадан ўтказиш тизимига ўтиш, ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни ногиронлиги бўлган шахс деб топиш бўйича педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларини ташкил қилиш, ногиронлиқни белгилашни ягона тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари тизими томонидан амалга ошириш каби вазифалар ўз аксини топганлиги таъкидланди.

Давлат томонидан кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматларни яхшилаш бўйича “Йўл харитаси” ижроси доимий назоратда бўлиши юзасидан Сенат қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда қўрилган навбатдаги масала — Илмий фаолиятни ривожланти-

риш учун қўрилаётган чоралар ҳолати юза­сидан Вазирлар Маҳкамас

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «P4G» ХАЛҚАРО САММИТИДАГИ ИШТИРОКИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРГА БЕФАРҚ ЭМАСЛИГИНИ КЎРСАТМОҚДА



Хусусан, “яшил технология”ларни кенг жорий қилиш ҳисобидан Орол денгизи муаммоси оқибатларини бартараф этиш, “яшил энергетика”ни ривожлантириш орқали углерод ёқилишига боғлиқликдан қутулиш, “яшил иқтисодиёт”ни йўлга қўйишда ёшларни фаол жалб қилиш бўйича махсус дастурни амалга ошириш таъкид этилди.

Оқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон раҳбари “P4G” йўналишидаги шерикликка қўшилиш ва унинг тўлақонли иштирокчисига айланишга тайёр эканини билдирди.


Демак, “P4G”га аъзо давлатлар сони яна бир муҳим иштирокчи билан бойимокда. Мен саммитнинг энг катта ютуқларидан бири ҳам шунда бўлди, деб ҳисоблайман.

Франк Рейсберн,
Глобал яшил ўшиш институти (GGGI) бош директори:

— “P4G” саммити иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг видеомурожаатини катта эътибор билан қутиб олди. Давлат раҳбари ўз нутқида Глобал яшил ўшиш институти ташкил этилганининг 10 йиллик санасини алоҳида таъкидлагани ва шу муносабат билан қўлагани биз учун катта шарафдир.

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи бўлиб Глобал яшил ўшиш институтига аъзо бўлди. Институтининг ҳукуматларро муассаса ҳисоблангани ва давлатларга “яшил иқтисодиёт”га ўтқишда ёрдам кўрсатади, уларнинг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон “яшил иқтисодиёт”га ўтиш орқали республика тараққиётига эришишни танлаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биз мамлакат раҳбарияти томонидан Орол денгизи ҳавзасининг экологик муаммоларини ҳал қилиш бўйича белгиланган устувор йўналишларни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.



Ўзбекистон раҳбариятининг қўмағи туфайли Глобал яшил ўшиш институтига аъзо бўлиш, унинг ҳуқуқий мақоми ва имтиёзлари тўғрисидаги шартно мани имзолаш масалалари жуда тез ҳал қилинди. Яқинда Тошкентда институти-миз офиси очилади. Шунингдек, КОИКА томонидан молиялаштирилаётган Орол-бўйидаги биринчи қўша лойиҳани амалга ошириш учун шартнома имзоланишини кутмоқдамиз. Биз мамлакатингизнинг “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнида ҳар томонла-ма ёрдам беришга тайёرمىз.

Бён Жэ Ил,
Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутаты, сўв ресурслари бўйича Осиё парламентлараро маслаҳат кенгаши (AANC) президенти:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “яшил тараққиёт” ва барқарор ривожланиш бўйича “P4G” саммитидаги иштирокини юксак баҳолаймиз.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикасининг бундай юксак даражадаги иштироки мамлакатнинг барқарор ривожланишининг

долзарб муаммоларига ва “яшил иқтисодиёт”ни рағбатлантиришга содиқлигини намён-ён этди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги сўнгги тенденциялар ижобий ўсёватганини таъкидламоқчиман. Охириги йилларда Ўзбекистон янги ташқи сиёсатининг асосий хусусиятлари — очиклик, прагматизм ва узоқ муддатли барқарор тараққиётнинг устувор йўналишларига интилишда намён бўлмоқда.

Шунингдек, давлат раҳбарининг Орол-бўйи минтақасига инновацион ечимлар ва инвестицияларни жалб этиш ҳамда илмий изланишлар орқали республикада “яшил иқтисодиёт”ни раванқ топтириш бора-сидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаймиз.

Президент Шавкат Мирзиёев “P4G” саммитидаги нутқида келгуси йил Ўзбекистонда ривожланаётган мамлакатлар учун “яшил энергия” бўйича халқаро анжуман ўтказишга тайёри-лини маълум қилди.

Ушбу ташаббус янги Ўзбекистон халқаро ҳамжамият билан ўзаро ҳамкорлик, шерик-лар билан маслаҳатлашувлар орқали глобал муаммоларга ечим топишга интилаётганидан далолатдир.

Яқин келажақда Ўзбекистон экологик муаммоларини ҳал этиш ҳамда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш борасида ўз олди-га қўйган максадларига эриша олишига ва бу йўналишда минтақада етакчи ўринни эгаллаши-га ишончим комил.



«Дунё» АА.
Сеул

Бунёдкорлик дастурлари:

ТАЪСИРЧАН НАЗОРАТ ВА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Тараққиётимизнинг янги босқичидаги энг муҳим тамойил, таъбир жоиз бўлса, устувор мақсад халқни рози қилишдир. Бу мақсад рўёбига, аввало, одамларнинг азиз маскани бўлган маҳаллалар, қишлоқларда ўзгариш қилиш, уларнинг қиёфасини замонга мос тарзда ўзгартариш орқали эришиш мумкин.

Ислоҳот

Зотан, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ислоҳотларимиз натижалари, бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти, аввало, маҳалла-да сезилади. Шу маънода, маҳалла жамиятимизнинг ёруғ юзи ҳамда виждони кўзгусидир. Бинобарин, бугун маҳалла-нинг жамият бошқарувидаги ролини кенгайтириш борасида кенг қўламли и-слоҳотлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, ҳар бир ҳудудда “Обод ва ҳавфсиз маҳалла” тамойили асосида янги тизим жорий этилгани одамлар-нинг ҳаётини яхшилашга, ҳудудлар оёсайишларини таъминлашга хизмат қилмоқда. “Обод қишлоқ” ҳамда “Обод маҳалла” дастурлари доирасидаги ҳа-ракатлар эса ҳудудларимиз қиёфасига ян-гича зеб бермоқда.

Эътиборга молик ҳиқати, бундай кенг қўламли ва хайрли ишларга прокурату-ра органлари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқ-да. Хусусан, Бош прокуратура томони-дан мазкур дастурлар ижросини таъ-минлаш, уларни рўёбга чиқариш учун ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш, талан-тороҳликларнинг олдини олиш юзасидан қатъий назорат ўрнатилган.

Албатта, ҳар қандай иш тартибли ташкил этилмас экан, натижаси ҳам қийиндагидек бўлмайди. Шу боис “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурла-ри ижросини тизимли йўлга қўйиш мақ-садида Бош прокурор ўринбосари бош-чилигида республика штаби, вилоят ҳамда туманларда прокурорлар раҳбар-лигида ҳудудий гуруҳлар ташкил этил-ди. Штаб ва гуруҳларга манфаатдор ва-зирликлар, идора ҳамда ташкилотлар-нинг масъул ходимлари, журналистлар ва жамоатчилик вакиллари бириктирил-гани фаолият қамровини кенгайтириб, самарадорлиқни оширди.

Дастурларга қиритилган объектлар қурилишини назорат қилишда вилоят-ларга вазирилик ва идораларнинг хо-димлари, маҳаллаларга эса уларнинг ҳудудий бошқармалари ҳамда туман бўлимлари ходимлари масъул этиб бел-гиланди. Ҳудудий гуруҳлар фаолиятини тўғри ташкил этиш ва тизимли назорат қилиш учун вилоятларга Бош прокурату-ра вакиллари бириктирилди.

Айтиш жоизки, гуруҳларнинг зимма-сидаги вазифалар жуда залварли. Ма-салан, масъуллар лойиҳада кўзда ту-тилган ерининг ажратилишдан бошлаб, то объект фойдаланишга топширилгун-га қадар қурилиш назорат ўрнатиши, иш-ларнинг ўз вақтида ва сифатли бажа-рилишини ҳамда бюджет маблағи тўғри

сарфланишини таъминлаш керак. Бу эса гуруҳ аъзоларидан ҳушёрлик, масъулият, қатъият билан бирга соҳа-га доир билим, одамлар билан ишлаш қўنىкмаси, маблағ тақсимланишида ҳалоллиқни талаб этади. Мазкур ме-зонлар гуруҳлар аъзоларига қўйилган қатъий талаб ҳамдир.

Маълумки, бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари ахборот-лашган жамият негизини ташкил этиб, соҳалар ривожини таъминламоқда, оғиримизни енгил қилмоқда.

Бош прокуратура томонидан ҳам юқоридаги йўналишларда қурилишнинг барча босқичини онлайн тарзда мони-торинг қилиш имконини берувчи дасту-рий таъминот яратилгани иш самара-дорлигини оширди. Айни пайтда ма-зкур тизим Қурилиш вазирлигининг “Шаффоф қурилиш”, Молия вазири-лигининг “Давлат молиясини бошқариш автоматлаштирилган тизими”, “Товар-хом ашё биржаси” АЖнинг “давлат ха-ридлари” ҳамда бошқа ахборот тизим-лари билан интеграция қилинмоқда.

Шу билан бирга, фуқароларга “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурла-рига қиритилган объектлар бўйича му-рожаат ҳамда маълумотларни юбориш имконини берувчи Telegram-бот канали ишга туширилгани ҳудудлардаги муам-молар бўйича тезда ахборотга эга бўлиш, ҳар бир масалани тизимли ўрга-ниш имконини берди. Айни пайтда бу восита дастурлар ижроси юзасидан жамоатчиликнинг таъсирчан назорати-ни йўлга қўйишда муҳим омиллардан бўлмоқда.

Шу ўринда яна бир гап. Бирор ҳудуд-нинг муаммоларини бевосита ўша жой-нинг ўзида аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ҳудудлар ва-киллари билан биргаликда ишлаб чи-қиш амалиёти мутасаддиларга маса-лани ич-ичидан тушунишга имкон ярат-ди. Қолаверса, бундай амалиёт лойи-ҳалар ижросида қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга, ортиқча чи-қимларга йўл қўймаслик, ижро муда-тининг қисқа ҳамда аниқ бўлишига ҳам хизмат қилмоқда.

Ана шу тамойилдан келиб чиқиб, юқоридаги дастурларга қиритилган ма-ҳаллаларга қўлма контейнерлар ўрна-тилди. Ҳудудий прокурор ёрдамчиси, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ва гуруҳ аъзолари объект фойдаланишга топширилгунга қадар иш бошида бўлишгани ушшоқлиқ ҳамда тезкорлик-ни таъминлади.

Муҳим вазифалар сўзсиз ижро эти-

лишида эса ҳар бир соҳа масъуллари-нинг фаол иштироки гоят зарурдир. Шунини инобатга олиб, жойларда верти-кал тизим, органлар фаолиятини муво-фиқлаштирилган ҳолда йўлга қўйиш, ма-ҳаллабай ишлаш механизмига уруғ бе-рилмоқда. Бош прокуратура ҳамда те-гишли ташкилотлар томонидан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурла-ри параметрларидан келиб чиқиб, лойиҳалар бўйича иш ҳамми ҳамда тур-лари маҳаллабай, кўчабай ва объект-бай тамойиллари асосида ишлаб чиқилди. Бу эса барча соҳа вакиллари-нинг ҳамжиҳат бўлиб, масалаларни ечишга комплекс ёндашиши ҳамда бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишига имкон бераётир.

Мазкур чоралар самараси ўлароқ, бугунги кунда, жумладан, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа дастурлар доирасида қурилиш бошланадиган 32 минг 569 та объектнинг 13 минг 466 таси бўйича лойиҳа-смета ҳужжат-лари ишлаб чиқилиб, 8 минг 742 таси бўйича давлат экспертиза, 1 минг 570 таси юзасидан эса комплекс экспертиза ҳулосаси олинди. Шунинг-дек, электрон тендер савдосини ўтқа-зиш учун эълон берилган 8 минг 339 та объектдан 2 минг 253 тасининг савдоси қўйилди, 2 минг 207 тасини молиялаштириш бошланди ҳамда уларга 1,7 триллион сўм маблағ ажратилди.

Юқорида тилга олинган гуруҳларнинг фаолияти ҳам қисқа муддатда ўз сама-расини бера бошлади. Хусусан, бири-ни қайд этилган дастурлар юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича дав-лат экспертизасида 127 миллиард сўм, комплекс экспертизада 54 миллиард сўм, “Шаффоф қурилиш” тизимида бўлиб ўтган тендер савдоларида 111 миллиард сўм (жами 283 млрд. сўм) маблағ иқтисод қилинди.

“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида Молия вазири-ли қи томонидан республика бюджетидан ажратилиши белгиланган 1 триллион сўмнинг 300 миллиард сўми (30 фоиз) ҳамда маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилиши режалаштирилган 1 трил-лион сўмнинг 436 миллиард сўми (43 фоиз) тегишли вилоят жамғарма-ларига йўналтирилди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” каби гоят муҳим дастурлар ижроси юзасидан йўлга қўйилган ва амалий ёрдамни ҳам қўзда тутувчи таъсирчан назорат ўзини оқлатмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу жиҳат ҳам шаҳаро қишлоқларимиз қиёфасини тез фуқар-ларда тубдан ўзгартаришга, пировар-дида одамларнинг янада фаровон ва бахтиёр яшашига замин ҳозирлайди.

Акмалхўжа МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси.

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

САНОАТДА АВТОМОБИЛЬ ШИНАЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эскирган шиналар ва ишдан чиққан резина маҳсулотларини қайта ишлаш муаммоси дунёнинг барча ривожланган мамлакатлари учун катта экологик ҳамда иқтисодий аҳамият касб этади.

Шиналарни иккиламчи қайта ишлаш Европа ассоциацияси (ЕТРА)нинг маълумотларига кўра, ҳар йили Европада 2,5 миллион тоннадан ортиқ амортизация қилинган автомобиль шиналари шакллантирилади, уларни майдалаш усули билан қайта ишлаш ҳамжи эса 10 фоиздан ошмайди. Йилгилан шиналарнинг кўп қисми (20 фоиз) ёқилиш сифатида ишлатилади.

Ўзбекистонда масаланинг ҳолати янада кескинроқ. Тошкент шаҳрининг ўзида йилга 15 минг тоннадан кўпроқ эскирган авто-мобиль шиналари ҳосил бўлади. Буларнинг кўпчилиги қичқидихо-наларда, шахар атрофидаги жар-ликларда тўплангани, бу эса эко-логик мухитни янада қийнроқ ва-зиятга олиб боради.

Ишдан чиққан эски шиналар атроф-муҳит ифлосланиши учун узоқ муддатли манба ҳисобла-нади: шиналар биологик парча-ланмайди; улар ёнғунан ва ёнғин пайтида ўчириш жуда қийин, ёнганда эса ҳавога зарарли ёниш маҳсулотлари, жумладан, канцероген моддалар чиқади; омборхонада эса улар юқумли касалликлар ташувчиси ҳисоб-ланган кемирувчилар ва қон сўрувчи ҳашаротлар учун идеал муҳит бўлиб хизмат қилади.

Қолаверса, амортизация қилинган шиналар таркибига қимматли хом ашё мавжуд. Каучук, металл ва тўқимачилик шнурни шулар жумласидандир. Ушбу материаллар одатда эксплуатация жараёнида дастлабки хусусиятларини ўзгартирмайди.

Табиий нефть хом ашёсининг чекланганлиги эса иккиламчи бойликлар (ресурслар)дан юқори самарадорлик билан фойдала-ниш зарурлигини тақозо этади. Ривожланган мамлакатларда резинани турли хил товар ва ма-териалларда қайта ишлатишга имкон берадиган, ишлатилган шиналарни қайта ишлаш техно-логияларини яратишга уриниш-лар бўлмоқда.

“EUROPEANRABBER” журна-лининг ҳабар беришича, Европа Иттифоқи комиссияси томонидан ЕИГА аъзо давлатлар учун эски-рган шиналардан иктиврий та-шаббус билан фойдаланиш бўйича тавсияномадан ишлаб чиқилган.

Ушбу ташаббусларнинг мақ-сади қийндагилардан иборат: янгилаштириш сифатини яхшилаш ҳисобига эскирган шиналар сонини 10 фоизга камайтириш; — протекторлари қайта ишланган шиналар сонини 20 дан 30 фоизга қўпайтириш;

— қайта ишлаш даражасини 30 дан 65 фоизгача ошириш; — кўмиш даражасини 50 дан 0 гача пасайтириш.

Айни пайтда дунёда резина чикиндиларини ва автомобиль шиналарини қайта ишлаш ҳамда йўқ қилиш учун бир қатор техно-логиялар қўлланилмоқда. Ушбу технологиялар шиналардан ҳар қисмий маҳсулотлар фойдаланишини ўз ичига олади: шиналар ва ре-зина чикиндиларидан энергия ишлаб чиқариш (ёниш, цемент саноатида фойдаланиш), шина ҳамда резиналарни майдалаш усули билан резина заррчалари-ни ва кукунини олиш, эски ши-налар ҳамда резина чикиндилари асосида регенераторлар олиш.

Атроф-муҳит экологияси нуқ-таи назаридан, ишлатилган ши-налардан энергия олиш учун фой-даланиш ҳар хил баҳоланади. Бу, биринчи навбатда, руҳ ва олтин-гургут оксидининг атмосферага тушиши билан боғлиқ.

Маълумотларга қараганда, шиналарни ёқилиш сифатида ишлатишда 1 тонна учун 20 — 25 АҚШ доллари миқдори-да харажат талаб этилади. Ши-наларни ёқиш усули энергетика нуқтии назаридан ҳам истикбол-сиз: автомобиль шиналарини ёқиш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, энергия миқдори тахминан 3 литр нефть ёқишдан олнинган энергияга тенг.

Энергия ишлаб чиқарувчилар-нинг маълумотларига кўра, ши-надан олинмадиган энергия 27 — 30 литр нефтни ёқиш натижаси-да вуқудга келадиган энергияга тенг, 21 литр хом ашё ишлаб чиқаришга, 6 литр қайта ишлаш жараёнига сарфланади.

Эскирган шиналарни қайта ишлатишнинг яна бир усули, бу — пиролиз усулидир. Шиналар пар-чалари ва майдаланган резина пиролизи кислород етишмасли-ги муҳитида, вакуумда, водород атмосферида катализаторли ҳамда катализаторсиз, даврий ва узлуқсиз реакторларда, маҳкум қайнаш қатламидан ҳар хил ҳа-ро-ратда амалга оширилади.

Бу усул бўйича Атроф-муҳит ва табиати муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-ҳодими.

Максудбек АБДУЛЛАЕВ,
Атроф-муҳит ва табиати муҳофаза қилиш технологиялари илмий-тадқиқот институти илмий ҳодими.

ИЧКИ БОЗОРДАН — ЭКСПОРТГА

Жалақудуқ туманидаги “Ҳарир тола” масъулияти чекланган жамияти — пиллани қайта ишлашга ихтисослаштирилган корхона. Шундай бўлса-да, бу ерда ички имкониятлар ишга солиниши натижасида яна бир янги цех фаолияти йўлга қўйилди. Гап шундаки, эндиликда корхонада текстиль маҳсулотлари ҳам тайёрлана бошланди.

Бандлик

— Авваллари қўшни Ҳўжабод туманидаги турдош корхонага қатнаб ишлардик, — дейди тикувчи Сайёра Аҳмадалиева, — Албатта, бу бир қатор ноқулайликларни юзага келтирарди. Эндиликда туманимизда ташкил этилган цехда ўз фаолиятимизни давом эттиряймиз. Бундан жуда мамнунийим. Муҳими, бунинг натижасида ишчилар ҳам ишли бўлиб, рўзғорига барака кирмоқда.

20 миллиард сўмлик лойиҳа асосида бунёд бўлган цехда 250 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Улар томонидан тайёрланаётган кийим-кечаклар нафақат ички бозорга, балки экспортга ҳам йўналтирилиши режалаштирилган.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ОДАМЛАР ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ КЎПРИК

Оммавий сайёр қабуллар. Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ушбу тизимнинг самарали йўлга қўйилиши туфайли одамлар давлат идораларидан, умуман, бугунги ислоҳотлардан рози бўла бошлади.

Халқ қабулхоналари

Нега? Сабаби оммавий сайёр қабулларнинг нафақат шахар мар-казларида, балки мамлакатимизнинг чекка ва олис ҳудудларида ҳам таш-кил этилаётгани халқ билан давлат ўртасида тоқ маънода кўприк вази-фасини ўтамоқда.

Тан олиш керак, авваллари битта муаммонини ҳал этиш учун ойлаб, йи-лаб вақт, боз устига, харажат ке-тарди. Раҳбарларни топиш, учрашиш, юзма-юз гаплашиши-ку гапирма-саям бўлади.

Бугун-чи? Бугун кимнинг муаммо-си бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхона-си, Халқ қабулхоналарига мурожаат қилиб, унга ечим топаётганлар жуда кўп.

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ҳақида гап кетганда, жой-ларда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган сайёр қабулларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли, ал-батта. Боиси бунинг ҳам ўзига яраша фақат ижобий ва афзал то-монлари кўп. Биринчидан, фуқаро-лар учун ўз ҳудудида ташкил этил-ган оммавий қабулларда қатнаши-ши қулай бўлса, иккинчидан, ортиқ-ка сарф-харажатлардан ҳоли бўлади. Ва бундай афзалликлар-ни қўллаб келтириш мумкин.

Асосийси, сайёр қабулларда аҳоли бир вақтинг ўзида турли масалалар бўйича ўзига тегишли мутасадди-раҳбарлар билан бевосита мулоқот-га киришиб, ишини ҳал қилиши мум-кин. Шундай бўлганда ҳам. Бу эса одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончини оширмоқда.

Фикримизни яқинда Тошкент шаҳ-рида суд-ҳуқуқ масалалари бўйича оммавий қабул ўтказилгани ҳақида-ги мисоллар билан бошласак. Қабуллар давомида 2 минг 242 на-фар фуқародан жами 2 минг 297 та масала бўйича мурожаат келиб туш-ди. Улардан 1 минг 51 таси, яъни 45,8 фоизи ижобий ҳал қилинган бўлса, 446 таси бўйича ҳуқуқий ту-шунтиришлар берилди. Шунингдек, 606 та мурожаат ижро учун назорат-га олинди.

Мурожаатларни соҳалар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 300 га яқини Президент Администрацияси, 54 таси Судьялар олий кенгаши, 742 таси Олий суд, 222 таси Бош прокуратура, 200 га яқини Ички ишлар вазирилиги, 100 га яқини Адлия вазирилиги, 20 тадан зиёда Давлат божхона кўмитаси ва 600 дан ортиги Тошкент шаҳар ҳамда туманлар ҳокимиятлари ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди мутасаддилари қабул жараёни-да одамлар билан мулоқотга кири-шиб, муаммоларни ҳал этиш чора-ларини кўрди. Фуқароларнинг озга-ми мурожаат ҳам, ёзма мурожаат-лари ҳам жиҳидий кўриб чиқилди. Яъни уларнинг 224 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилган бўлса, 364 таси жойида ижобий ҳал эти-либ, қаноатлантирилди. Бу ана шун-ча одамнинг ҳаётида катта ўзгариш рўй берди, деганидир.

Муҳими, мурожаатлар чуқур ўрга-нилиб, адолатли қарор чиқарилди. Ху-сусан, 93 нафар шахс жазони ўташ-дан муддатидан олдин озод қилин-

ди. 9 нафар шахсга оид жиноят иш-ти тарафларнинг ярашганлиги муноса-бати билан тугатилди. Икки нафар шахсга нисбатан фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан фуқарони муомалага лаёқатсиз, деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилди. Тарафлар ярашганлиги сабабли алимент ундириш ҳақидаги 10 та суд бўйруғи бекор қилинди.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан ажрашми ёқасига келиб қолган оилалар билан суҳбат қўтқа-зилгани ҳам муҳим аҳамият касб этди. Зеро, бунинг натижасида 60 нафар воғга етмаган фарзанди бор 29 та оила яраштирилди.

Бинобарин, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини ётибди. Қараңг, буларнинг барчаси оммавий қабулларнинг нақадар зарур экани-ни билдиради.

Бош прокуратура томонидан амал-га оширилган ишлар ҳам қувонарли, албатта. Бўлиб ўтган сайёр қабул-лар давомида аҳолидан келиб туш-ган мурожаатларни жойида ҳал этиш борасида аниқ ва тезкор ч